# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 30-aprel № 54 (2935) shanba

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


**Маҳият**

**Буюк ва муқаддас юртимизнинг тупроғини кўзингизга тўтиё қилиб, унинг шону шуҳратини етти иқлимга тараннум этиш учун ўз ҳиссамни қўшаман, деб Ватанга чин фарзандлик севгиси ва садоқати билан яшасангиз, ишонаманки, ҳеч қачон кам бўлмайсиз.**

**Ислом КАРИМОВ**

# «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига

*Азиз фарзандларим!*

*Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар!*

*Авваламбор, барча-барчангизни бугун гўзал ва бетакрор Сурхондарё заминида бошланаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этишдан хурсандман. Қадимий Термиз шаҳрига мутлақо янгича қиёфа ва чирой бағишлаган, янгидан бунёд этилган спорт иншоотлари, жумладан, барчанинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган мана шу муҳташам майдонда тўпланган сиз азизларни — мен учун қадрли бўлган баркамол ўғил-қизларимни қутлар эканман, ҳаммангизни ғойибона бағримга босиб, сизларнинг қадди-қоматингиз, азму шижоатингизга, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимнинг чексиз меҳр-муҳаббатим, катта ишонч ва умидимни билдиришдан ҳақиқатан ҳам бахтиёрман.*

*Навбатдаги — бешинчи «Баркамол авлод» ўйинларининг юртимизнинг жанубий остонаси бўлмиш Сурхон диёрида, Ватанимиз мустақиллигининг шонли 20 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганининг ўзи чуқур рамзий маънога эга бўлиб, нафақат мамлакатимиз, балки ён-атрофда жойлашган давлатлар аҳолисининг ҳам эътиборини тортаётганини, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамиз яхши англаймиз.*

*Мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда ғолибликни қўлга киритган, бугун сизларнинг сафларингизда барчага ўрнак ва намуна бўлиб турган ўғил-қизларимиз эртанги кунда жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, энг юксак соврин ва нишонларнинг соҳиби бўлишига, халқимизнинг ғурур ва ифтихорига айланишига ишончимиз комил.*

*Шу борада биргина мисол — ёш спортчиларимизнинг ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалига сазовор бўлгани, футбол бўйича ўсмирлар миллий терма жамоамиз Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.*

*Ёшлар спортини ривожлантириш, юксак даражага кўтариш мақсадида амалга оширган ишларимиз кўламини сўнгги йилларнинг ўзида барча вилоят ва туманларимизда 1200 дан зиёд болалар спорти иншооти, жумладан, 61 та сузиш ҳавзаси, 724 та мактаб спорт зали барпо этилгани, улар замонавий жиҳоз ва анжомлар, малакали устоз-мураббийлар билан таъминлангани мисолида кўриш, кузатиш қийин эмас, албатта.*

*Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг дастлабки босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 1 миллион 600 минг нафардан зиёд фарзандларимизнинг 740 минг нафари ёки қарийб 50 фоизи иштирок этгани ушбу мусобақаларнинг қамрови қандай кенг экани ва мана шу кураш майдонларида бўлажак беллашувларнинг нақадар қизғин бўлишидан дарак беради.*

*Бугунги ёшлик ва нафосат байрамини, юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари деб ном олган уч босқичдан иборат ноёб тизимни биз минг-минглаб ёшларимиз учун спорт оламида энг юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдончаси сифатида қабул қиламиз. Бундай самарали тизим сиз, азиз болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар этиб вояга етказишда, қатъият ва мардлик руҳида тарбиялашда ёшларимизнинг чиниқиш ва маҳорат мактабига айланиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.*

*Қадрли ўғил-қизларим!*

*Эл-юртимизга хос бағрикенглик, орият ва ғурур туйғусини улуғлаб яшайдиган Сурхон аҳли мардларни севади, майдонга бел боғлаб чиққан инсонларни ардоқлаб бошига кўтаради. Шундай оташин спорт мухлисларининг ишонч ва эътиборини қозониб, уларнинг олқишларига сазовор бўлишнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир иштирокчи учун катта шараф ва масъулиятдир.*

*Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизлар ғалаба иштиёқи билан курашга шайланиб турар экансиз, Термизий боболаримиздек улуғ зотларни вояга етказган, Алпомишдек мард ўғлонлар, Барчинойдек барно қизларни улғайтирган қандай муқаддас заминда майдонга тушаётганингизни, ўйлайманки, чуқур англаб, ҳис этиб турибсиз. Бу эса сизларнинг ҳар бирингизга баланд руҳ, жўшқин ғайрат ва ишонч бағишлайди, албатта.*

*Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» спорт ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Сурхон аҳлига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.*

*Сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан кўҳна ва навқирон Термиз шаҳри тобора обод бўлиб, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг олтин дарвозасига айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.*

*Азиз фарзандларим!*

*Мамлакатимиз мустақиллик йилларида қандай оғир ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, бугун барқарор ўсиш суръатларига эришаётган, жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига кириш учун ишонч билан бардам қадам ташлаётган экан, бунинг энг муҳим шарти ва мезони битта: яъни, дунёда яккаю ягона бўлган она Ватанимиз тараққиёти учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш, мана шу мусаффо осмонимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизни қатъият билан ҳимоя этиш, бу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туришдан иборатдир.*

*Айнан шу асосда буюк ва муқаддас юртимизнинг тупроғини кўзингизга тўтиё қилиб, унинг шону шуҳратини етти иқлимга тараннум этиш учун ўз ҳиссамни қўшаман, деб Ватанга чин фарзандлик севгиси ва садоқати билан яшасангиз, ишонаманки, ҳеч қачон кам бўлмайсиз.*

*Сизларни яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга бугун бошланаётган мусобақаларда бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# Баркамол авлоднинг катта спорт байрами

## Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» республика спорт мусобақалари бошланди

Қадимий ва ҳамиша навқирон Термиз шаҳри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар чароғон. Ранг-баранг чироқлар жилоси, Амударёдан эсаётган салқин шаббода, енгил ҳилпираётган байроқлар шаҳарга ўзгача руҳ, ўзгача тароват бахш этган. Сурхондарё вилоятида илк бор ўтказилаётган мазкур йирик нуфузли тадбир — ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами — «Баркамол авлод — 2011» мусобақалари муносабати билан қад ростлаган муҳташам «Сурхон» спорт мажмуининг ўн минг томошабинга мўлжалланган стадиони меҳмонлар ва спорт мухлислари билан гавжум.

Стадион узра «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг чорлов садолари янграйди. Майдонга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келади.

Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари байроғи ҳилпирайди.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаси иштирокчилари бўлажак спорт беллашувларида ҳалол ва муросасиз курашишга тантанали қасамёд қиладилар.

...Ўзбекистон — буюк ва муқаддас Ватан. Мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, ҳаётимизнинг осойишта ва тинч-тотувлигини келажагимиз эгалари — бугун она заминимизда камол топаётган баркамол авлод таъминлайди. Зеро, юртимизда эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган баркамол авлод вояга етмоқда.

*(Давоми 4-бетда)*

**Қўшма қарор**

***Аёл — эзгулик меҳроби. Аёлнинг улуғ хизматларига жамият ҳамиша муҳтож. Негаки, аёл тириклик ва тараққиётнинг ҳаётбахш булоғидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишловчи аёлларнинг малакасини ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатларини ҳимоялаш, касбга йўналтириш, хавфсиз меҳнат шароити, иш берувчининг уларга адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш масалаларида фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга ижтимоий шериклик асосида имзоланаётган жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг дам олишини ташкиллаштириш ва соғломлаштириш, айниқса, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

# Ҳамкорлик уфқлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Республика хотин-қизлар қўмитаси билан 2011 йил учун қўшма тадбирлар режаси ушбу хайрли ишда муҳим қадам бўлди.

Қўшма қарорга мувофиқ, касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бу эзгу ишга Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, Маданий-маърифий ва спорт ишлари, Юридик, Ижтимоий суғурта бўлимлари, тармоқ Марказий кенгашлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари масъул этиб белгиланди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан эса Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, Илм-фан, таълим, маданият, диний маърифат ва маънавият масалалари бўйича хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ҳудудий қўмиталар вакиллари жалб этилиб, уларга қўшма тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

*(Давоми 3-бетда)*

**Ватан ичра ватан**

# Ободлик маҳалладан бошланади

Маҳаллаларимиз ҳақиқий маънода халқимиз ифтихорига айланмоқда. Ўзига хос саранжом-саришталик ва обод хонадону кўчалар, яшаш ва ишлаш учун яратилган мўъжазгина кўркам иморатлар... Хуллас, бир ватан бўлса шунча бўлар, деб юборганингизни сезмай қоласиз.

Ана шундай обод гўшалардан бири, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган «Хирмонтепа» маҳалласи 1985 йилда ташкил топган бўлиб, асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Бу ерда 3130 та оилада 11350 нафар аҳоли аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда.

Маҳаллада умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси бўлиб, бундан ташқари, 20 та болалар спорт майдончаси ёшлар ихтиёрида. Маҳаллада фаолият юритаётган битта ишлаб чиқариш корхонаси, 48 та дўкон, 2 та умумий овқатланиш ва 8 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига қулайлик яратиш ҳамда оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда.

Ҳудудда ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий масалалар ва байрамлар муносабати билан турли тадбирлар ўтказиш анъана тусини олган.

Турли байрам муносабатлари билан меҳрга, эътиборга муҳтож кимсаларни йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш жуда яхши йўлга қўйилган. Наврўз айёми муносабати билан ана шундай оила фарзандларига турли кийим-кечаклар байрам совғаси сифатида тақдим этилди.

— Бугун юртимизда соғлом авлод тарбияси, аёллар соғлигини асраш, уларни турли хасталиклардан муҳофаза этиш бирламчи вазифага айланган. Жумладан, 8-9 апрел кунлари 35-оилавий поликлиника шифокорлари кўмагида аёллар навбатдаги тиббий кўрикдан ўтишди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ж.Ҳакимов. — Бу нафақат аёллар, балки туғилажак фарзандларимизнинг ҳам жисмонан ва маънан соғлом бўлиши учун жуда муҳимдир.

Шу ўринда, маҳаллада аёллар иш фаолиятини давом эттиришлари учун ҳам имкониятлар мавжудлигини тилга олиш лозим. Аҳоли эҳтиёжи учун кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган «DENIM PARK» масъулияти чекланган жамиятини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Охирги 3 ой ичида маҳалла хотин-қизларидан 25 нафари шу ерга ишга жойлашди.

*(Давоми 3-бетда)*

**Давр билан ҳамнафас**

***2010 йилнинг 12 ноябри Ўзбекистон солномасига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган бўлди. Мамлакатимизни янада юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоялар янги даврни бошлаб берди. Концепцияда ўртага ташланган устувор вазифалар ниҳоятда залворли бўлиб, у касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шулардан бири жамоат назоратини ривожлантириш, ижтимоий шериклик тамойилини такомиллаштиришдан иборатдир. Айтиш мумкинки, республика Ҳукумати ва Савдо-саноат палатаси билан касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида Бош келишув имзолангани бу борадаги муҳим қадам бўлди.***

# Доимий ҳимоя кафолати

Ушбу муҳим ҳужжатда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ бир қатор шартлар акс эттирилди. Бош келишувда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси биринчи ўринга қўйилиши таъкидланиши ҳам бежиз эмас. Бу келишув мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ифодаси сифатида аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштиришни кўзда тутади. Бу касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи мустаҳкам эканлигини ҳам кўрсатади. Қолаверса, касаба уюшмаларининг аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги эзгу мақсадларини ифодалайди. Шу билан бирга, ижтимоий масъулиятни давлат, иш берувчи ва ходим ўртасида тақсимлаб боришни билдиради.

Энди гап Бош келишувнинг амалдаги ижросини тўлақонли таъминлашга эришишда. Унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка чуқур тушунтирган ҳолда, жойларда қабул қилинадиган минтақавий, тармоқ, жамоа келишувлари ва шартномаларида акс эттириб, Бош келишувда кўзда тутилган талаблар, мақсадларнинг оғишмай амалга оширилиши, рўёбга чиқарилиши учун касаба уюшмаларида хизмат қилувчи ҳар бир шахс қатъият кўрсатмоғи лозим.

*(Давоми 2-бетда)*

## «Биз — бунёдкор халқмиз» танловига

***Бешариқ хизмат кўрсатиш ва педагогика касб-ҳунар коллежи жамоаси ва талабалари «Мустақилликнинг 20 йиллик байрамига 20 туп кўчат — менинг туҳфам» чақириғига жавобан коллежнинг 60 сотихли майдонида боғ яратишди.***

# Коллеж туҳфаси

— Атрофимиздаги бизга тегишли бўлган бўш ерларга мевали ва манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқаздик, — дейди коллеж директори Ғ.Нурматов. — Ниҳолларимиз яхши кўкариб, гуллади. Аслида, кўчатларнинг 95 фоизини шу ерда етиштирганмиз.

Етилган кўчатлар коллеж боғига ўтқазилиб, кўчат сотиб олиш учун кетадиган маблағ тежаб қолинди. Маъмурият бу иш орқали ўқувчиларга тадбиркорлик ва тежамкорлик қандай натижалар беришини амалда исботлади. Ҳозирда боғ ва билим юрти атрофида 300 туп гилос, 180 туп шафтоли, 100 туп бодом, 80 туп хурмо, 100 та арча, 30 та япон сафораси, 210 туп терак, 500 туп атиргул кўчатлари ўтқазилди. Мевали кўчатлар 3 йилда ҳосилга киради. Боғдан тушган даромад, табиийки, коллеж эҳтиёжи учун ишлатилади. Айни пайтда ўқувчиларнинг она ерга бўлган меҳри ҳам ошиб боради.

**Т.МАҲКАМОВ олган сурат**
*Бешариқ тумани*

## Таассурот

***Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 3-Мажлиси касаба уюшмалари фаолиятининг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.***

# Имтиёзлар эвазига

Маълумки, 1999 йилда Федерация кенгаши томонидан қабул қилинган «Янги молиявий фаолият» тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Аммо ҳаётнинг ўзи унга бир мунча тузатишлар киритишни тақозо этаётганди. Шу боис, «Барча даражадаги касаба уюшма органларида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом» айни муддао бўлди. Янги Низомга кўра ишчи-хизматчиларни касаба уюшма бюджети ҳисобидан соғломлаштириш кўзда тутилган бўлиб, уларни соғломлаштириш учун жами йиғиладиган аъзолик бадаллари ҳисобидан, яъни 1 фоиз йиғиладиган бадалга нисбатан 3 фоиз миқдорида маблағ ажратилиш белгиланган. Буни корхонамиз касаба уюшма бюджетига нисбатан татбиқ этадиган бўлсак, қуйидаги натижаларга эришиш мумкин.

Масалан, «GM-Ўзбекистон» ЁАЖ корхонасида 2011 йилга касаба уюшма аъзолик бадалининг ялпи даромад суммаси 600 млн.сўм мўлжалланган бўлиб, 50 фоизи эски Низом бўйича 300 млн. сўмни ташкил қиларди. Янги молиявий сиёсатда тақсимот бўйича аъзолик бадалининг 53 фоизи касаба уюшма қўмитамизда қолиб, 318 млн. сўмни ташкил этади. Бу ишчи-ходимларни соғломлаштириш учун қўшимча имконият деганидир. Бу йил бир дона санаторий-курорт йўлланмасининг ўртача нархи 400 000 сўм деб мўлжалласак, юқоридаги 3 фоизлик имтиёз эвазига 45 нафар ходимни қўшимча соғломлаштириш мумкин бўлади. Уларни тарқатиш жараёнида ходимлардан 50 фоиз қисман тўлов йиғилади ва бу, ўз навбатида, яна маблағ йиғилишини таъминлайди. Натижада, яна 22 нафар ходимни соғломлаштириш имкони туғилаяпти.

Янги Низомга кўра юқоридаги 3 фоиз ҳисобидан дам олиш уйларига йўлланманинг ўртача нархи, дейлик, 150000 сўмни ташкил қилганда, 120 нафар ходим юборилиши мумкин. Қарангки, бу йўлланмалардан йиғиладиган қисман тўлов яна 60 нафар ходимнинг дам олишини таъминлайди. Бундан ташқари, касаба уюшма аъзоларига йўлланмалар эндиликда 5 йилда бир марта эмас, 3 йилда бир маротаба бериладиган бўлди. Юқорида қайд этилган имкониятлардан ташқари, қабул қилинган Низомда моддий ёрдамга ажратиладиган маблағ - жами харажатнинг 20 фоизидан ошмаслиги тавсия қилинмоқда. Ваҳоланки, аввалги Низомда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил қилар эди.

Низом талаблари бўйича бошқа харажат турлари: маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ҳамда касаба уюшма аъзоларини рағбатлантириш каби харажатлар мустақил тақсимланади.

Хуллас, янги Низомдаги шу ва бошқа ўзгаришларни, авваламбор, бошланғич касаба уюшмаларига қаратилаётган улкан эътибор сифатида баҳолаш мумкин.

**Мирфозил ОЛИМОВ,**
**«GM-Ўзбекистон» ЁАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Модернизациялаш шарофати

# Янгиланиш

***Банкрот деб топилган — «Уйчи йигирув-тўқув» очиқ акциядорлик жамияти ўрнида 2009 йил сентябр ойида «САРТЕХ» МЧЖ ташкил этилган эди. Шундан сўнг йигирув цехи, пахта омбори ва эски маъмурий хўжалик биноларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.***

Жумладан, 16600 кв/м майдонга эга бўлган йигирув цехи биноси томи ёпилиб, полларга кварц-бетон қуйиш ва деворларни пардозлаш ишлари амалга оширилди. Бугунги кунга келиб, электр энергияси таъминоти, сув қувурлари ва шунга ўхшаш бошқа коммунал тизимлар бўйича ҳам ишлар якунига етказилди. Бинонинг ташқи қисми профнастил билан ёпилди. Корхонада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 5 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳозирда бу ерда 100 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилаётир. Қиймати 4 млн. 303 минг АҚШ долларига тенг янги технологик ускуналарни монтаж қилиш жараёни якунига етиш арафасида. Фаолиятни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган имтиёзлар жуда қўл келаётир.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида ишлаб чиқариш янада кенгаяди ва иш ўринлари сони 200 тага етказилади. Жараён ниҳоясига етказилгандан сўнг корхона йилига 6800 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

**Дилдора УСМОНОВА**

## Давра суҳбати

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган «Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида меҳнат муҳофазаси сифати ва самарадорлигини ошириш» мавзуидаги давра суҳбатида Федерация кенгаши масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, соҳага дахлдор вазирлик ва ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.***

# Сифат ва самарадорлик

Федерация кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров тадбир аввалида Жамоа шартномаларига киритилган муҳим бандлардан бири меҳнат муҳофазаси эканлигига диққатни тортиб, жумладан шундай деди:

— Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-хизматчилар учун етарли меҳнат шароити яратиш, уларни махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, техника хавфсизлиги моҳиятан иш сифати ва унумдорлиги билан бевосита боғлиқ.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси бош мутахассиси Олимжон Ашуров, Савдо-саноат палатаси Юридик бўлими бошлиғи Улуғмурод Эрназаров, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси бош мутахассиси Олимжон Жўраев, ЎзКУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол Адилов ва бошқалар меҳнат муҳофазаси юзасидан қилинаётган ишлар, соҳадаги айрим муаммолар ҳамда уларнинг ечими борасида тўхталиб ўтишди.

Тадбирда ЎзКУФК томонидан корхоналарда меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларига амал қилиниши бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу мақсадда «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» юзасидан республика кўрик-танлови эълон қилинди.

Яратилаётган янги иш ўринларида касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари ҳамда давлат техник инспекторлари томонидан меҳнат муҳофазаси ва етарли иш шароитлари ҳолати ўрганилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотларининг соҳа бўйича мутахассислари ва жойлардаги вакиллар ҳамкорлигида 245 та корхонада меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилиб, 1975 та камчилик бартараф этилди.

Тадбирда махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг тақдимоти бўлиб ўтди. «Суперлинд» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори Одил Абдувоҳидов ушбу воситаларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берди.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Доимий ҳимоя кафолати

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ижтимоий шериклик асосида аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳолининг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратилмоқда, меҳнат шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларига тўлиқ риоя қилиш, хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш борасида белгиланган режа асосида тадбирлар амалга оширилмоқда. Бош келишувда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилиши бўйича чоралар амалга оширилишини давом эттириш, республикамизда ислоҳотларни янгиланиш ва модернизациялаш талаблари асосида янада чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари томонидан иш берувчилар билан ҳамкорликда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш масалаларига ҳам эътибор оширилди.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси кучайтирилмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплашда ижтимоий шериклик тамойилига таянилмоқда. Қолаверса, кўплаб ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ҳамда уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар бериш жорий қилинди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатишда, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг шартнома пулларининг бир қисмини қоплашга кўмаклашишда касаба уюшмалари ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бир қатор тармоқ касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган иқтидорли талабалар учун махсус стипендиялар таъсис қилинди.

Ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш ишларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, спортга жалб этиш, тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб чиқиш борасида касаба уюшмалари ҳар доим ташаббускор бўлиб келган.

Бош келишувда ижтимоий шерикларга меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва у ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия қилинган.

Биз ушбу меъёрий ҳужжат асосида Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ва Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон бошқармаси билан имзоланган минтақавий келишувга, шунингдек, тармоқ ва жамоа келишувларига қатор янги бандлар киритдик.

Шу ўринда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу қонун мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг қонуний асосларини мустаҳкамлайди. Унинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларининг кенг иштироки билан тайёрланиши, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши қонуннинг мукаммаллигини таъминлайди. Бу, айни вақтда, унинг ижроси ҳам тўлақонли бўлишини кафолатлайди.

**Соғиндиқ НИЕТУЛЛАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, юридик фанлар доктори, профессор**

# Бошланғич ташкилотларда нима гап?

***«Нишон пахтани қайта ишлаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида айни кунда 750 нафар ишчи-хизматчи ва техник ходим меҳнат қилмоқда.***

— Ижтимоий муҳофазага муҳтож, боқувчисини йўқотган ишчи-ходимларни моддий қўллаб-қувватлаб, илғорларни мунтазам рағбатлантириб боришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳром Раҳмонов. — Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан 80 нафарга яқин илғор ходимларимиз қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, заводда узоқ йиллар ишлаган Бахтиёр Назаров, Норжиға Бердиева, Ойсара Хўжаназарова, Сероб Қўзиев, Араб Ўлжаев сингари 17 нафар меҳнат фахрийлари ҳам қимматбаҳо эсдалик совғаларига эга бўлди.

**Худойберди НАЗАРОВ,**
**меҳнат фахрийси**

***Мактабимизда йил бошидан касаба уюшмаси иш режаси тузилиб, иш берувчи билан биргаликда меҳнат шартномалари имзоланади. Барча ходимлар етарли иш билан таъминланган. Муассаса ҳозирги кунда замон талабларига жавоб берадиган синфхона, мебеллар билан жиҳозланган. Мактабда 80 нафар ўқитувчи ёш авлод камолоти йўлида меҳнат қилмоқда.***

Кам таъминланган ходимларга байрамлар муносабати билан совға-саломлар топширилмоқда. Ўтган йили ўз касбининг устаси, илғор, ташаббускор ўқитувчиларнинг 15 нафарига директор жамғармасидан мукофот, 10 нафарига моддий ёрдам берилди.

Бундан ташқари, таътил кунларида ходимларнинг хоҳишига кўра турли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар тақдим этилмоқда. Уларнинг фарзандлари ҳам ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлишмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг ташаббусидан руҳланган жамоамиз 2000 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экишди.

Мактаб ўқувчилари ҳам ўзлари учун ажратилган майдонларда ободонлаштириш ишларига зўр беришмоқда.

**Баҳодир ОҚБОЕВ,**
**Жарқўрғон туманидаги 2-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси**

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгашининг галдаги кўчма, амалий семинари Нарпай туманида ўтказилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, бошланғич ташкилотларда иш юритишни тубдан жонлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур семинар иштирокчилари даставвал 55-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма ташкилоти мисолида намунали иш юритишга оид ҳужжатлар билан танишдилар.***

Анжуманда вилоят тармоқ кенгаши раиси С.Исаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи делегатлари мурожаатига жавобан юртимизни боғу бўстонга айлантириш тўғрисида маъруза қилди. Сўнгра раис ўринбосари Б.Асроров бошланғич касаба уюшма ташкилотларида иш юритишни ташкил этиш хусусида тушунчалар берди. Шунингдек, Нарпай туман бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси К.Қўлдошев интернет тармоғидан фойдаланиш, мониторингни ташкил этиш, ахборотлар хизматини жонлантириш ишлари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Семинар савол-жавобларга бой, кўтаринки руҳда ўтди.

**М.АЛОВУДДИНОВ**

***Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Чимён» сиҳатгоҳида ташкил этилган ўқув-семинарда Наманган, Фарғона ва Андижон вилояти бошланғич ташкилотлар раислари учун эсда қоларли бир воқеа бўлди.***

Фарғона вилоятининг мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим мактабларига саёҳат уюштирилди. Жумладан, Олтиариқ туманидаги 1-ихтисослашган мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишдик. 19 йилдан буён бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси сифатида фаолият кўрсатаётган П.Ҳожиматованинг эзгу ишларига гувоҳ бўлдик.

Ўқув-семинарда назарий ва амалий машғулотлар билан бирга, ўз саломатлигимизни ҳам тиклаб олдик. Фарғоналик санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчамизга манзур бўлди.

**Лобархон РУСТАМОВА,**
**Тўрақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

***Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номидаги вилоят кутубхона марказида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг ўқув-тренинги бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши, вилоят адлия бошқармаси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ва Қарши шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда кенгаш раиси Шодмон Кубаев сўзга чиқиб, касб-ҳунар таълими тизимидаги бошланғич ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида иштирок этишда фаолликни таъминлаш, жамоа шартномалари мазмунига алоҳида эътибор бериш ва иш берувчиларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш каби масалаларга эътиборни қаратди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси Шомурод Сатторов Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси юзасидан келиб чиқадиган вазифалар, Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг мутахассиси Комил Холиёровнинг таълим муассасаларида фуқароларнинг мурожаатлари ва меҳнат қонунчилигига риоя қилиш тўғрисида маъруза қилишди.

Бундан ташқари, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўлим мудирлари ва етакчи мутахассислари ўз йўналишларида амалий ўқув машғулотлари ўтказишди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2011-yil 30-aprel № 54 (2935)



*Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида*

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсонларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла муҳим рол ўйнайди.***

# Сайлов ва унинг моҳияти

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир». Маҳалла аждодларимиздан бизга мерос жамоавий турмуш шакли сифатида асрлар оша яшаб келаётган бўлса-да, эътироф этиш лозимки, мустақиллик йилларида бу ноёб институт фуқаролик жамияти пойдевори сифатида сайқал топди.

Шунинг учун давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида ўтадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралаётир. Маҳалла ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлганлиги сабабли унинг роли ва таъсирчанлигини ошириш сайлов жараёнлари билан ҳамоҳангдир.

Маҳалла институти Ўзбекистонга хос миллий қадрият ва халқ маънавиятининг сарчашмаси ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, ўзаро меҳр-оқибат, тотувлик, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни бамаслаҳат ўтказиш кабилар маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнида ҳам маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган миллий қадриятларимизнинг ноёблиги, бетакрорлиги ва афзалликлари яққол кўзга ташланади.

Оила ва маҳалла муҳитида шаклланган миллий-маънавий қадриятлар комил инсонни истиқлол ғояларига содиқ руҳда тарбиялаш ва миллат равнақининг энг асосий шарти, «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган ҳикмат эса бу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодасидир.

Айни пайтда маҳалла фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, юртимиз ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни бажармоқда. Айниқса, аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида касаначилик, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, аҳолига сифатли тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш қўламларининг тобора кенгайиб бораётганлигида ўзини ўзи бошқариш органларининг, хусусан, маҳалланинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда.

Шу боисдан 2011 йил майиюн ойларида ўтадиган фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига катта эътибор берилмоқда. Бу сайловда 9973 нафар фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 98 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Кези келганда шуни айтиш керакки, фуқароларнинг ижтимоий фаолликлари уларнинг сайловлар жараёнида ўз сиёсий ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита амалга оширишида янада ёрқин намоён бўлади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг энг муҳим хусусиятларидан бири раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари маҳаллада доимий истиқомат қилувчи шахслар орасидан сайланишида ҳам ифодаланади. Сайловнинг эркин ва ихтиёрийликка асосланганлиги нафақат умуминсоний тамойилларга, балки миллий қадриятларга ҳам тўла мос келади. Яна бир хусусияти шундаки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларига сайлов сайловчиларнинг доимий истиқомат қиладиган жойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фақат бир муддатга эмас, балки бир неча муддатга ҳам сайланиши мумкин. Бу ҳол фуқароларнинг ўзларига кимни раис (оқсоқол) сифатида танлаб олишни ўзлари ҳал этишига узвий боғлиқдир.

Раис (оқсоқол) маҳалла руҳиятини ўзида мужассамлаштирувчи шахсдир. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши унга қўйилган муҳим талаб, қолаверса, уни сайлаб олишнинг энг муҳим мезони ҳисобланади. Бундай сайловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, биринчидан, раис (оқсоқол) сайланади, иккинчидан, фуқаролар йиғини раислиги лавозимига ўтказиладиган сайловда ғолиб чиққан номзод томонидан таклиф этиладиган маслаҳатчи сайлаб олинади. Шу сабабли, нафақат раис (оқсоқол)нинг, балки унинг маслаҳатчисининг катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишнинг, қолаверса, аҳоли ишончини оқлашнинг энг муҳим гаровидир.

Сайлов фуқаролар йиғини фаолиятининг самарадорлигини оширишда ва жамият тафаккурининг юксалишида ҳам ғоятда муҳим ўрин тутади. Айтиш жоизки, ўзини ўзи бошқаришни такомиллаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг нафақат асосий шарти, балки муҳим воситасидир.

**Ш.РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

# Ҳамкорлик уфқлари

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Бугунги кунда жамият ва аёл тараққиётнинг бир-бирини тўлдириб ва бойитиб турувчи икки ҳалқаси десак янглишмаймиз. Юртимизда хотин-қизларнинг меҳнат қилиши ва ўз иқтидорини намоён этиши учун барча шароитлар мавжуд, — дейди Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Уч йўналишдаги тадбирлар режасига асосан хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид билимлари оширилади, янги иш ўринлари яратилади, оилавий касаначиликни йўлга қўйишлари учун амалий ёрдам кўрсатилади. Шу мақсадда ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари қошидаги «Аёлларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш марказлари»да «Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича консултатив хоналар» ташкил этилади. Жорий йилнинг сентябр-октябр ойларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун туманлар миқёсида «Энг моҳир касаначи аёл» кўрик-танлови, декабрда жисмоний имконияти чекланган аёлларга моддий ва маънавий кўмаклашиш ниятида «Биз ҳунар ўрганаяпмиз» кўргазма-савдолари ўтказилади. Бундан ташқари, истеъдодли ўқувчи ва талаба қизларнинг интилишларини рағбатлантириш мақсадида июл ойида «Иқтидорли қизлар» анжумани уюштирилиб, қобилият соҳибалари рағбатлантирилади. Қўшма тадбирлар режасига киритилган «Қўли гулдир ўзбек аёлин...» республика кўргазма-савдосида кўриб, гувоҳига айландикки, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимиз йил сайин янгидан-янги истеъдодларни элга танитади. Ҳар чорақда уюштириладиган бу кўргазма-савдода Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 100 га яқин тадбиркорликка интилиши бўлган аёллар ўзларининг юзлаб турдаги маҳсулотлари билан қатнашдилар.

Шунингдек, қўшма тадбир режасига асосан йил давомида саноат корхоналари ва фермер хўжаликларида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари иш шароитлари ўрганилиб, йиғилишларда муҳокама этилади.

Хотин-қизларга мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида турли тадбирлар уюштирилади.

Оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш йўналиши бўйича июл ойида «Баркамол авлод — буюк келажак», ноябр-декабр ойларида «Соғлом она, соғлом бола — соғлом келажак гарови» мавзуларида республика илмий-амалий конференциялари ташкил этилади. Махсус жамоатчилик кенгашининг аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури асосида йил давомида «Репродуктив саломатлик», «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Туғруқлар оралиғини сақлаш» каби мавзуларда давра суҳбатлари, корхона ва муассасаларда «Саломатлик» гуруҳлари ташкил этилиб, турли спорт мусобақалари уюштирилади. «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шиори остида июн ойида спортнинг 8 тури бўйича республика Аёллар ҳамда Гимнастрада фестивалларини ўтказилиб, ғолиблар тақдирланади.

Айниқса, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш ҳамда дам олишларини ташкил этиш мақсадида санаторий, санаторий-профилактория-ларида, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиб, ёзги дам олиш оромгоҳларида имтиёзли йўлланмалар орқали соғломлаштириш кўзда тутилган.

— Ишончим комилки, икки нуфузли ташкилотнинг хотин-қизларнинг жамиятдаги муҳим янгиликлар ва ўзгаришларда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларига қаратилган қўшма тадбирлар режаси ҳамкорликдаги фаолиятимизда қанот бўлади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Халилова. — Бу, айниқса, комиссиямиз аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Қўшма тадбирлар режаси асосида барча ҳудудий комиссияларимиз ўз иш дастурларини қайта кўриб чиқдилар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги муаммоларини ечиш ва уларга керакли ҳуқуқий маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатишга киришдилар. Ушбу режа доирасида Қорақалпоғистон Республикасида «Хотин-қизлар: кичик бизнес ва тадбиркорлик» мавзуида минтақавий семинар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, қўшма қарорда хотин-қизларни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Меҳнат жамоаларида ходимлар ҳамда билим юртларида талаба-ўқувчилар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар, машҳур шоир ва ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар, халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг тинчлик ва фаровонликка зарарли таҳдиди ҳақида давра суҳбатлари, ОИТС касаллигининг оқибатлари, Одам савдосига қарши тарғибот-ташвиқот ишлари авж олдирилади. Алоҳида режа асосида «Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш — келажак пойдевори», «Хотин-қизларни ғоявий таҳдид ва «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш» мавзуларида семинарлар, савол-жавоб кечалари уюштирилади. Ёш оналар ўртасида алла, халқ қўшиқлари, мақомларнинг энг яхши ижрочиларини тақдирлаш мақсадида «Оналар куйлаганда», тадбиркорликка ҳавас қилган ўқувчи-қизлар учун «Ҳунарим — гавҳарим» республика кўрик-танлови ҳамда ушбу танлов доирасида «Гўзаллик ранглари» ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ва меҳнат ярмаркасини ўтказиш режалаштирилган.

Улуғ мақсад — Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ҳамда аёллар манфаатлари ҳимояси, қолаверса, оила мустаҳкамлиги ва соғлом авлод камолига қаратилган бу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини беришига шубҳа йўқ.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

*Устозга эҳтиром*

***Умид билан яшашнинг завқи ўзгача. У бир чироқ каби инсон ҳаёт йўлларини ёритади, олға юришга чорлайди, мақсад манзилига етаклайди. Биз «устоз» деб ҳурматлаган, «домла» дея ҳавас билан атаганимиз Раҳим ака Воҳидов ҳам ана ўша умид билан мақсад манзилини кўзлаб йўлга чиққанлардан. Салкам 44 йилдан буён ҳормай-толмай талабаларга ҳаёт дарсидан сабоқ бериб келаётган устоз бугун табаррук ёшда.***

# Фарзандлар бахти – орзуси

Бухоро Давлат университети Ўзбек филологияси факултети тарихи устознинг ҳаёт ва меҳнат йўллари билан туташиб кетган.

Филология фанлари доктори, профессор Раҳим Воҳидов — илм кишиси. Ўз ҳаётининг бир куни, бир лаҳзасини китобу қоғоз-қаламдан айри ҳолда ўтказганини эслай олмайди.

Ҳаётини ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш ва ўргатишга бағишлаган устоз минглаб шогирдлари даврасида энг бахтли инсон сифатида ҳис қилади ўзини...

Оила даврасида-чи?!

Бу саволга жавоб топиш учун Раҳим аканинг Муборак опа билан бунёд этган аҳил оиласига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя...

Бу оилани 70-йиллардан бери биламан. Эру хотин иш фаолиятларини мактабда ўқитувчиликдан бошлашган. Бирин-кетин 7 фарзанд туғилди, ота-она учун уларни тарбиялаш, вояга етказиш осон кечмади. Домла бизга мумтоз адабиёт сабоқларини бераётган йилларда илмий иш билан банд эди. Талабалар эса, сиз уларни яхши биласиз, жуда қизиқувчан ва синчков бўлишади.

Тўпланиб олиб домламизнинг ҳаёт дафтарларини варақлашарди:

....домланинг оталари урушдан қайтмаган экан..., ёлғиз онаси қўлида ўсган..., шаҳардаги уйида ўтирмай ҳар кун қишлоққа қатнар экан..., 7 та боласи бор экан...

Назаримда, устозимизнинг шахсий ҳаётига талабаларнинг қизиқиши у кишининг сабоқларини теранроқ англашлари учун кўмак бераётгандек эди. 2 ўғил ва 5 қизи вояга етди. Фарзандлар ота-оналари изидан боришди.

Бош фарзанд — Эркинжон педагоглик касбини танлади. Биринкетин сингиллари Нодира, Ноҳида, Нойира, Нофизалар ҳам шу муқаддас касб эгаси бўлишни истаб акаларига эргашди. Иккинчи ўғли Элбек эса шифокорлик касбини ихтиёр этди. У Бухоро тиббиёт институтини тугатди. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали врач методисти ҳамда Бухоро соғлиқни сақлаш бошқармасида масъул ходим бўлиб ишламоқда.

Нозима Воҳидова эса таниқли журналист. Нозимахонни мухлислари «Мезон», «50х50», «Бекат», «Аёл бахти» кўрсатувлари орқали жуда яхши танишади. Ҳозир у «Ўзбекистон» телерадиоканалининг катта муҳаррири.

Нойира — кимёгар. 2008 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади.

Нофизахон хорижий тиллар факултетида, аспирантурада таҳсил олди. У икки марта Ўзбекистон-Германия халқаро алмашинув хизмати (ДААД) стипендиати бўлди.

Халқаро анжуманларда маърузалари билан чиқиб, таклифларини асослаб берди, Mannheim университети докторантурасига таклиф этилди. Ёш олима ҳозир шу университет докторанти сифатида «Лексик - сематик градуонимия» мавзуидаги докторлик ишини якунлаш арафасида.

Етти фарзанд — етти олам. Бу олам эса меҳрибон ота ва оналари билан янада чароғон. Раҳим ака ва Муборак опанинг оғир ва машаққатли меҳнатлари самараси нафақат уларнинг шогирдлари, аввало, ўз фарзандлари ҳаётида намоён бўлди. Энди етти фарзанд даврасида 17 невара ўтирибди. Албатта, яхши тарбияланган ўғил-қизлар ўз жигаргўшаларини ҳам ўзлари каби, балки ўзларидан-да кучлироқ, билимлироқ ва бахтлироқ бўлишларига эришадилар. Ҳаётнинг мазмуни ҳам ана шунда.

**Дилором КАРИМОВА,**
**Низомий номидаги ТДПУ доценти**

# Ободлик маҳалладан бошланади



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундан ташқари, маҳалланинг туман меҳнат биржаси билан доимий ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Коллеж ва олий ўқув юртларини битирган ёшларимизнинг доимий иш ўринларига эга бўлишида бундай ҳамкорлик яхши самара бераётир. Масалан, ўтган йили олий ўқув юртини битирган Ж.Иноятова тумандаги энди иш фаолиятини бошлаган «Ди-Ихлос» фабрикасига «Конструктор моделер» лавозимига ишга кирди.

Жамоат тартибини сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, одам савдоси, терроризм каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида 328-милиция танч пункти профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорлиги ўз самарасини бераётир.

«Оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги», «Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш», «Миллий қадриятларимизга зид тушунчалар», «Соғлом ва мустаҳкам оила» сингари долзарб мавзулардаги турли учрашув ва давра суҳбатлари ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ.

— Маҳаллада миллий қадриятлар ва урф-одатлар, тўй-маросимларни, доимий расм-русумларни бидъатлардан холи ўтказиш мақсадида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. «Қайнонали келин қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин» ибораси маҳалла аёллари орасида баҳс-мунозара тарзида юқори савияда ташкиллаштирилди, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси М. Пўлатова. — Бундан ташқари, «Никоҳ — эзгулик муқаддимаси», хорижга пул топиш илинжида бориб, алданиб қолишнинг олдини олиш мақсадида «Оқибати хунук иллат», наҳорги ошлар тўғрисида «Меъёр бузилган жойда» мавзуларида ҳам тадбирлар ўтказилмоқда.

Дарвоқе, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада ривожлантиришда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови жуда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, маҳалланинг демократик талабларга мос равишда фаолиятини амалга ошириши сайлов жараёнида ҳам намоён бўлади. Шу боис маҳалла фаоллари томонидан сайловга катта тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.



**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Фозил МАМАШАРИПОВ олган суратлар**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 30-aprel № 54 (2935)

# Баркамол авлоднинг катта спорт байрами

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этиши, бугунги ва эртанги кунимизнинг том маънодаги ҳал қилувчи кучига айланиши учун Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида катта куч ва имкониятлар сафарбар қилиниб, улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланиб, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топаётган, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва имкониятларини намоён этиб келаётган фарзандларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуксиз спорт тизимининг аҳамияти беқиёс. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизими мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътироф этилиб, бугун кўплаб давлатлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётир. У бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, мамлакатимизнинг барча ўқувчи ва талаба-ёшларини ўз сафига қамраб олмоқда, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилмоқда.

Мазкур тизимнинг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бу гал бешинчи маротаба ўтказилмоқда. Мазкур мусобақага илк маротаба 2001 йилда Жиззахда старт берилган эди. Мусобақанинг мамлакат босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этган энг сара спортчилар қатнашиб келмоқда. «Баркамол авлод» беллашувларида қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юксалаётганидан ёрқин далолатдир. «Баркамол авлод» мусобақаларида тажриба орттирган футболчи Одил Аҳмедов, бадиий гимнастикачилар — Комила Тўхтаева, Вероника Есипова, шахматчи Нодира Нодиржонова, Ҳулкар Тоҳиржонова каби ёшларимизнинг халқаро майдонлардаги натижалари мухлису мутахассислар эътиборини қозонмоқда.

Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, ифтихор туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

...Стадионга Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

«Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари оловини самбо бўйича Осиё чемпиони Наргиза Ёвқочдиева ҳамда каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Ўктам Бекпўлатов ёқди.

Ушбу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, Ўзбекистон халқининг озодлик ва истиқлол ғояларига содиқлиги рамзи сифатида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг республика «Баркамол авлод — 2011» мусобақалари давомида ёлқинланиб туради.

Мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан «Кичик олимпиада» деб таърифланган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Бу йилги мусобақалар ҳам спортнинг ўн икки тури — баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, сузиш ва шахмат бўйича ўтказилмоқда. Термиз шаҳри мезбонлик қилаётган беллашувларда туман, шаҳар ва вилоятларда ўтказилган саралаш босқичларида ғолиб чиққан юзлаб ёш спортчилар кураш олиб боради. Қувонарлиси, уларнинг аксариятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, моҳир спортчи бўлишга интилаётган, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда тажриба ва маҳоратини ошириб, катта спортдаги муваффақиятли одимларини бошлаш арафасида турган иқтидорли ўғил-қизлар ташкил этади.

«Баркамол авлод» республика спорт мусобақаси мезбони — Сурхон воҳасида истиқлол йилларида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалди. Бир пайтлар аграр вилоят ҳисобланган Сурхондарё саноати ривожланган ҳудудлар сафига қўшилди. Бугун вилоятда фаолият юритаётган мингдан зиёд корхонанинг 25 таси замонавий технология билан жиҳозланган йирик субъектлар экани ҳам бунинг яққол далилидир.

Пурвиқор тоғлар бағрини кесиб ўтган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши воҳанинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ноёб қазилма бойликларини ўзлаштириш учун катта имкониятлар яратди. Мазкур янги темир йўл бўйлаб барча қулайликларга эга Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғон бекатлари, кўплаб ижтимоий иншоотлар барпо этилди.

Мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқда ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар Сурхондарё вилоятида ҳам ўзининг амалий самараларини бермоқда. Воҳа қишлоқларида 2009 йилда намунавий лойиҳа асосида 60, 2010 йили 660 замонавий уй-жой барпо этилди. Жорий йилда қурилиш кўлами янада кенгайтирилиб, 36 массивда 675 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Муҳими, ушбу аҳоли пунктларида йўллар кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилаётир, маиший хизмат шохобчалари, спорт майдончалари қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш борасидаги ишлар натижасида миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аждодларимизнинг номи қайта тикланди, улар мангу қўним топган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Кокилдорота мақбаралари, Исо Термизий, Сўфи Оллоёр қадамжолари кўркам зиёратгоҳларга айлантирилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, ўтган йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларда барча қулайликларга эга, замонавий 25 янги мактаб бунёд этилди, 233 мактаб капитал реконструкция қилинди, 364 мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 115 коллеж, бешта академик лицей барпо этилди. Битта мусиқа мактаби қурилди.

«Баркамол авлод — 2011» республика спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Сурхондарё вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Термиз шаҳрида янги «Сурхон» спорт мажмуи қад ростлади. Иншоотни қуриш ва пардозлаш ишларида илғор хорижий тажриба ва миллий меъморчилик анъаналаридан, замонавий дизайн имкониятларидан унумли фойдаланишга, ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Мажмуа таркибидаги 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадиий гимнастика ва қўл тўпи заллари замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Термиз олимпия захиралари спорт коллежи, 1-академик лицей ҳамда Термиз давлат университетининг спорт заллари, «Алпомиш» теннис корти ва кураш мажмуаси, «Алпомиш» стадиони қайта таъмирланди, Термиз педагогика коллежи спорт зали ҳамда «Дельфин» сузиш ҳавзаси реконструкция қилинди. Шунингдек, Термиз археология музейи, Ҳаким Термизий мажмуаси, вилоят қўғирчоқ театри, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри ва қатор бошқа иншоотлар тубдан таъмирланди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Кенг ва равон йўллар барпо этилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча шароитлар яратилди. Иштирокчилар ва мусобақа меҳмонлари тантанали кутиб олинган Термиз аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Баркамол авлод — 2011» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар, турли шоу-концертлар кўзда тутилган.

...Майдонга байрам садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада артистлари чиқиб келади. Улар ижро этган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намоён бўлади.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Муҳаммад АМИН ва Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

## Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

# Бухорода асрлар садоси янграмоқда

**Бухоро шаҳрида 30 апрел куни «Асрлар садоси — 2011» анъанавий маданият фестивали бошланади**

Президентимиз қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шу қутлуғ байрам арафасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали миллий маънавиятимиз, санъатимиз ва маданиятимизни асраб-авайлаш, янада равнақ топтириш, умрбоқий анъана ва қадриятларимиз бардавомлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Қадимий Бухоро шаҳрида ўзига хос маданият ва санъат байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари, майдонлар янада ободонлаштирилиб, саранжом-саришта ҳолатга келтирилди. Кўплаб манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Шаҳарнинг Арк майдони, Лаби ҳовуз, Пойи калон мажмуаларида катта ҳажмдаги таъмирлаш, реставрация ишлари амалга оширилди.

Фестивалга келган уста ва ҳунармандлар, мусаввирлар, санъаткорлар, фолклор жамоалари алоҳида тайёргарлик кўрган. Кўплаб янги мусиқий дастурлар, театрлаштирилган томошалар санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилиши мўлжалланмоқда.

— Фестивалда ижодий «Келин келди» тўй маросимини махсус мусиқий дастур орқали намойиш этиш ниятидамиз, — дейди Қоракўл туманидаги «Феруза» ашула ва рақс фолклор жамоаси бадиий раҳбари Мўминжон Абдуллаев. — Дастуримиз унутилаёзган миллий ашулалар, рақслар, лапарлар, шўх ялла-лар, алёрларга бой.

Бутун дунё сайёҳларини ўзига мафтун этадиган Бухоро шаҳри шу кунларда хорижий меҳмонлар билан янада гавжумлашган. Шаҳарда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, санъат байрамининг жўшқин руҳи уларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Бу қадимий шаҳарга биринчи марта келишим, — дейди францияли Ею Врафт. — Бу ерда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган гўзал ва ноёб обидалар ва замонавий бинолар ҳар қандай кишида ҳайрат уйғотади. Сафаримиз «Асрлар садоси» фестивали кунларига тўғри келганидан беҳад мамнунмиз. Бу ажойиб байрам ҳақида кўп эшитгандим. Энди унинг ранг-баранг тадбирлари, халқингизнинг бетимсол қадриятлари ҳақида янада кўпроқ танишиш имконига эга бўлдим. Фестивалнинг барча тадбирларини томоша қилмоқчиман.

— Улуғ мутафаккирлар етишиб чиққан қадим Бухорони кўриш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман, — дейди бразилиялик Назарет Серпа. — Шаҳарнинг озодалиги мени жуда ҳайратга солди. «Асрлар садоси» фестивалига тақдим этилган миллий уста ва ҳунармандлар томонидан яратилган амалий санъат намуналарининг юқори сифати, бетакрор ва ноёблиги таҳсинга лойиқ. Ўзбекистондаги барча ишлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Икки кун давом этадиган фестивал дастури Арк майдонида халқ сайли билан бошланиб, миллий цирк санъати усталари, дорбозларнинг чиқишлари, хўроз, қўчқор уриштириш каби миллий ўйинлар, полвонлар беллашуви билан давом этади. Меъморий обидаларни асраб-авайлашга оид маҳорат сабоқлари, «Ўзбекистон архитектура дурдоналарининг эпиграфикаси» китоб-албомининг тақдимоти, кино ижодкорлар анжумани, миллий либослар фестивали, халқ амалий, тасвирий санъат кўргазмаси, фолклор жамоаларнинг чиқишлари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат**

# «Спорт ўйинлари» муаммономаси

**Шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Аввал қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларини топинг, сўнг жавоблардаги ҳарфлар билан алмаштириш орқали ушбу ибратли сўзларни билиб олинг.**

1. Таниқли ўзбек шахматчиси, жаҳон чемпиони — 6,10, 9,3,16, 24,10, 4,10,15.
2. Термиз шаҳридаги стадион — 2, 8,23,10,16,3,17.
3. Ўзбек курашида соф ғалабага бериладиган баҳо — 12,2, 8,10, 8.
4. Тошкентдаги спорт иншооти — 13,17, 8,3,31.
5. Спорт тури — соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машқлар мажмуи — 7,3,16, 4,2, 9,1,3,31,2.
6. Бир тиззада туриб олиб, эркин ҳолдаги қисқа эшкак билан бошқариладиган енгил спорт қайиғи — 31, 2, 4,10,14.
7. Спортнинг японча миллий якка-ма-якка кураш тури —18, 26,30,18,10.
8. Спорт мусобақасининг тезлиги даражаси — 9,11, 5,32,2,1.
9. Мусобақадаги ютуқ ҳисоби — 10, 21,31,10.
10. Шахмат донаси — 5,11,20.
11. Пойганинг ҳал қилувчи сўнгги босқичи — 29,3, 4,3,17.
12. Футбол дарвозаси қисми — 1,25, 9,3, 4.
13. Баскетбол ўйинининг йигирма дақиқа давом этадиган қисми — 1,2,19,16.
14. Мусобақада энг юқори ўринни эгаллаган спортчи — 28, 10, 8, 3, 22.
15. Хулоса, натижа — 27, 31,11, 4.

## Айланма кроссворд

**Жавоблар шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** **1.** Қўлларни сувдан чиқармай ва оёқни бир маромда симметрик ҳаракатлантириб, кўкрак билан сузиш усули. **2.** «Қуролсиз ўзини ҳимоя қилиш»га асосланган, курашнинг хилма-хил самарали миллий усулларини қамраб олган бир тури. **3.** Мамлакатимизда ўтказилаётган «Баркамол авлод — 2011 спорт ўйинлари» мезбони, вилоят маркази. **4.** Паст-баланд, йўлсиз жойда ўтказиладиган пойга мусобақаси. **5.** Вилоят номи билан аталувчи футбол жамоа. **6.** Спортчига эришган кўрсаткичига мувофиқ бериладиган маҳорат даражаси. **7.** Спорт қайиқларида туркум пойгалардан иборат мусобақа. **8.** Тенг натижа билан якунланган беллашув. **9.** Жаҳонга машҳур спорт буюмлари фирмаси. **10.** Мусобақада эришилган муваффақият. **11.** Мусобақаларда эришилган энг юқори кўрсаткич. **12.** Спорт жамоаси бошлиғи. **13.** Боксдаги ҳолат. **14.** Улоқ, пойга мусобақаларида ғолибларга бериладиган мукофот. **15.** Хонада ўтказиладиган тўпли спорт ўйини. **16.** Икки устунга горизонтал ҳолатда ўрнатилган темир тўсиндан иборат гимнастика мосламаси. **17.** Ақлий спорт ўйини. **18.** Спортнинг айрим турларида қатнашчиларнинг ҳар бири маълум тартибда барча қатнашчилар билан учрашадиган мусобақа. **19.** Оғир атлетика спорти. **20.** Таниқли ўзбек қиличбоз спортчиси. **21.** Шахмат ўйинида энг кучли дона. **22.** Организмни чиниқтириш, дунёни ўрганиш мақсадидаги амалга ошириладиган жамоавий сафар соҳаси. **23.** Дзюдо беллашуви ўтказиладиган гилам. **24.** Футбол майдони қисми. **25.** Ерга тегмай туриб, ҳавода бир, икки ёки уч маротаба умбалоқ ошиб сакраш спорти. **26.** Бутун гавдани ирғитиб, кескин ҳаракат билан баландликка ёки олисга ўзини отиш билан бажариладиган енгил атлетика спорти. **27.** Рақиб танасининг нозик жойларига қўл ёки оёқ билан зарбалар бериш спорти. **28.** Олисга улоқтириш спорти анжоми. **29.** Ракетка билан ўйналадиган мусобақа. **30.** Дорбозлик ва баландликка сакраш спортида қўлланиладиган анжом. **31.** Маҳоратли югурувчи спортчи. **32.** Футбол ўйинида қоида бузган жамоа дарвозаси томон тепиладиган тўп. **33.** Сувда амалга ошириладиган пойга. **34.** Нуфузли спорт мусобақалари бошланиши ифодаси сифатида кўтариладиган давлат рамзи. **35.** Спорт мусобақасининг бошланиши. **36.** Спорт мусобақаларида ўйин ғолибини аниқлайдиган охирги, ҳал қилувчи босқич.

**Фозилжон ОРИПОВ**

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:** 133

**Navbatchi muharrir:** T. Shernayev
**Navbatchi:** A. Arslonov
**Musahhih:** S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 00.20
Топширилди -00.30
ЎзА якуни-23-25

Буюртма Г — 451

20341 nusxada bosildi

2345